

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК 541.49:164.1:615.015

МИРЗАЁҚУБОВ ИСЛОМБЕК АБДУБАННОБ ЎҒЛИ

**НИКОТИН КИСЛОТАСИНИНГ КООРДИНАЦИОН
БИРИКМАЛАРИ АСОСИДА АРИТМИЯГА ҚАРШИ
ДОРИ ВОСИТАЛАРИНИНГ СИНТЕЗИ ВА СТАНДАРТИЗАЦИЯСИ**

5A510501-Фармацевтик кимё ва фармакогнозия

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси

Илмий раҳбар:

фарм.ф.д. Дусматов А.Ф.

ТОШКЕНТ – 2015

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

Факультет–Фармация

Кафедра-Фармацевтик кимё

Ўқув йили-2013-2015 й.

Магистратура талабаси–Мирзаёкубов И.А.

Илмий раҳбар-фарм.ф.д., профессор

Дусматов А.Ф.

Мутахассислиги-5А510501-фармацевтик кимё
ва фармакогнозия

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ

Ишнинг долзарблиги. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё миқёсида шифокорга мурожаат қилувчи ҳар тўрт беморнинг бири юрагининг нотекис уришидан шикоят қилади. Бу соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, бирламчи хасталикларни ўз вақтида даволатмаслик, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари туфайли келиб чиқадиган ҳамда инсон ҳаётига жиддий таҳдид соладиган аритмия хасталигининг дунё аҳолиси орасида кенг тарқалганидан далолатдир. Аритмия сўзи юнонча аритмос (“а”–йўк, “ ритмос”–маром) сўзидан олинган бўлиб, барча юрак мароми бузилишлари учун умумий атама ҳисобланади. Умуман олганда, юрак аритмияси юракнинг кундалик “жисмоний” ишидаги ўзгариш бўлиб, бунда юрак маромининг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши кузатилади. Юрак аритмияси сурункали ёки хуружли бўлиши, баъзида қайсидир касалликнинг ёки танадаги бузилишларнинг белгиси сифатида кузатилиши мумкин. Мисол учун, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш, тамаки маҳсулотларини чекиш, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қабул қилиш аритмияга сабаб бўлиши мумкин. Аритмияни ташхислаш учун беморда хуруж пайтида ЭКГ текширувини ўтказиш лозим.

Замонавий тиббиёт аритмияни даволашда анча илгарилаб кетди. Юртимизда республика ихтисослаштирилган кардиология маркази мутахассислари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси ва Биорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий

хом ашёдан яратган дори препаратлари бу борадаги ютуқларимизни муҳим амалий қисми ҳисобланади. Жумладан, “Аллапинин” ва “Аклезин” дори воситалари аритмияни даволашда самарали қўлланилмоқда.

Аритмия хасталигининг кенг тарқалганини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши кенг самарали, зарарли таъсири нисбатан кам бўлган кальцийнинг никотин кислотаси ҳамда никотинамидли аралаш координацион бирикмасини синтез қилиш ва унинг аритмияга қарши таъсирини ўрганиш мақсад қилинди.

Ишнинг давлат дастурлари ёки илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Магистрлик илмий иши Ўзбекистон республикасида фармацевтика соҳасини ривожлантириш, синтетик дори воситаларини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш давлат дастурлари асосида бажарилди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур магистрлик илмий иши аритмияга қарши таъсирли дори воситаси яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

Тадқиқот мақсади. Никотин кислотаси ҳамда никотинамид асосида калцийли аралаш координацион бирикма синтези ва у асосида дори воситасини яратиш, стандартлаш ва тиббиёт амалиётига жорий қилиш бўйича амалий ишларни олиб бориш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Никотин кислотаси, никотинамид калций тузлари тадқиқот объекти, булар асосида дори воситаси яратиш, уни стандарт ҳолатига келтириш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш тадқиқот предмети ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Дори воситасини яратиш ва мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим бўлди:

Мавзуга доир адабиётларни ўрганиб чиққан ҳолда аритмияга қарши қўлланиладиган дори воситаларининг таҳлилини қилиш;

Никотин кислотаси ва никотинамид ҳамда улар асосида калцийли аралаш координацион бирикмани синтез қилиш;

✓ Олинган бирикманинг биологик фаоллигини ўрганиш;

- ✓ Таҳлилнинг замонавий физик–кимёвий усуллари ёрдамида стандартлаш усуллари ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш;
- ✓ Стандартлаш усулларида олинган натижалар асосида меъёрий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш.

Тадқиқот усуллари. Илмий ишни бажариш жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлил усуллари: хроматография (ЮССХ), спектрофотометрия (атом-абсорбцион), ИҚ-спектрометрия, рентгенография, дериватография, титрлаш усуллари ва клиникагача бўлган изланишлар амалга оширилиши режалаштирилган.

Илмий раҳбарим фармацевтика фанлари доктори А.Ф. Дусматов ҳамда ДВСНҚ ва СЛ катта илмий ходими кимё фанлари номзоди О.Т. Азизовга яқиндан тадқиқотлар ўтказиш ва илмий маслахатларини бергани учун ўз миннатдорчилигимни билдираман.

Илмий раҳбар: _____ **фарм.ф.д., Дўстматов А.Ф.**

Магистр: _____ **Мирзаёқубов И.А.**

MINISTRY OF HEALTHCARE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
THE TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE

Faculty–Pharmacy

Chair – Pharmaceutical chemistry

Academic year–2013-2015

Master Degree student–

Mirzayokubov I.A.

scientific tutor: Pharm D,

Dustmatov A.F.

Specialty-5A510501–

Pharmaceutical chemistry

and Pharmacognozy

Annotation to Master’s Dissertation

Work actuality: Specialists say that one of four patients in the world complains physicians about irregular palpitation of his heart. This is a result of non-observing healthy lifestyle, non-treating primary diseases in time, acquiring and congenital heart insufficiencies and wide-spread prevalence of arrhythmia in the world people. Arrhythmia comes from the Greek word “arrhythmos” and means “a”–none, “rhythmos”–rhythm and it is a common term for all heart rhythm insufficiencies. Generally, heart arrhythmia is a daily “physical” change of the heart and there has been observed quantitative and qualitative changes in the heart rhythm. Heart arrhythmia may be chronic or acute and sometimes it can be the result of any other diseases or disturbances. For example, smoking cigarettes, drinking alcohol, taking strong effective drugs can be the reasons of heart arrhythmia. For diagnosis of heart arrhythmia it must be done ECG during heart seizure.

Modern medicine has up to date possibilities for treating heart arrhythmia. There are several centers in our Republic, for example, Specialized Cardiology Center of the Republic of Uzbekistan, the Institute of Plant Substances Chemistry and Bioorganic Chemistry of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. Specialists and

scientists of these organizations collaborate with each other and create new drugs from local raw material. New drug forms “Allapinin” and “Aklezin” are used for treating heart arrhythmia effectively and they are considered the important practical part of our achievement.

Heart arrhythmia is a widely distributed disease and that’s why our aim is synthesizing nicotinamid mixed coordination compound with calcium nicotine acid and studying its anti-arrhythmia action.

Connection with state programmers and scientific research plans: Scientific Master work was made with state programmers on developing pharmaceutical branch in our Republic, creating synthetic drug forms and introducing them into the practice.

Studying level: This master dissertation is the scientific research work on developing anti- arrhythmia developing medicinal form preparation.

Research aim: Synthesizing nicotinamide mixed coordination compound with calcium nicotine acid and obtaining medicinal preparation based on it, standardization and making practical work for inculcating it to medical practice.

Research object and subject: Nicotine acid, nicotinamide calcium salts are the object of the research and the subject of the research is developing medicinal form, its standardization and inculcating it to medical practice.

Research aim: For developing medicinal form and achieving this aim it is important to solve following problems:

Studying literature on this theme and analyzing properties of anti- arrhythmia drug forms;

Synthesizing calcium mixed coordination compound based on nicotine acid and nicotinamid;

Studying biological activity of obtained compound;

Developing standardization methods and qualitative standards by up to date physical-chemical methods of the analysis;

Preparing project of the normative documents based on the results of standardization methods.

Research methods: There has been planned to use up-to-date physical-chemical analyses methods: chromatography (HPLC), spectrophotometer (atom-absorption), IR-spectrometer, rentgenografya, derivatografya, titrate method and in pre-clinical researches.

Scientific tutor: _____ **Pharm.D, Dustmatov A.F.**

Master resident: _____ **Mirzayokubov I.A.**

МУНДАРИЖА

КИРИШ	10
I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ	13
1. Никотин кислотаси ҳамда никотинамиднинг олиниши ва физик-кимёвий хоссалари.....	13
2. Никотин кислотаси асосида олинган координацион бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг тузилиши.....	17
3. Калций элементининг инсон организмидаги роли.....	21
4. Аритмия тушунчаси ва унга қарши ишлатиладиган дори воситалари.....	22
Биринчи боб бўйича хулосалар	26
II БОБ. ТАЖРИБА ҚИСМИ	27
1. Диссертациянинг тажриба қисмини бажаришда фойдаланилган реактивлар, ускуналар, анализ услублари ва усуллари.....	27
2. Никотин кислотасининг калцийли ва магнийли тузининг синтези.....	28
3. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг синтези, дастлабки ва охириги моддаларнинг ИҚ-спектрларини олиш.....	29
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	32
III БОБ. Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси	34
1. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш.....	34
2. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг элемент таҳлили ва бирикма таркибидаги сув ва оғир металлларни	34

	аниқлаш.....	
3.	Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг дериватографик таҳлили.....	39
4.	Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг рентгенофазовий таҳлили.....	40
5.	Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг ЮССХ ва ААС усулларида стандартлаш.....	46
6.	Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг захарлилик кўрсаткичи ҳамда аритмияга қарши фармакологик хусусиятларини ўрганиш... Учинчи боб бўйича хулосалар..... Хулоса..... Адабиётлар рўйхати..... Иловалар.....	51 57 58 59 66

КИРИШ

Юртимизда фармацевтика соҳасига берилаётган юксак эътибор, маҳаллий ҳом ашёлардан фойдаланган ҳолда янги самарали дори воситаларини яратиш, аҳоли соғлигини сақлаш борасида олиб борилаётган хатти-харакатлар, юртбошимиз томонидан берилаётган қарор ва фармойишлар, чиқарилаётган қонунлар соҳанинг янада ривожланишига туртки бўлмоқда.

Бу борада 2006 йил 14 июлдаги Ўзбекистон Президентининг “Дори воситаларини ва тиббий техника ашёларини маҳаллий ишлаб чиқарувчиларини қўллаб – қувватлаш ҳақида”ги ПҚ-416-сонли, ҳамда 2007 йил 19 ноябрдаги “2011 йилгача бўлган даврда фармацевтика корхоналарини модернизациялаш, техник ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳақида”ги ПҚ-731-сонли, шунингдек, 2008 йил 15 июлдаги “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-916-сонли қарорлари муҳим воқеа бўлди (1-9).

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мутахассисларнинг таъкидлашича, дунё миқёсида шифокорга мурожаат қилувчи ҳар тўрт беморнинг бири юрагининг нотекис уришидан шикоят қилади. Бу соғлом турмуш тарзига риоя этмаслик, бирламчи хасталикларни ўз вақтида даволатмаслик, туғма ва орттирилган юрак нуқсонлари туфайли келиб чиқадиган ҳамда инсон ҳаётига жиддий таҳдид соладиган аритмия хасталигининг дунё аҳолиси орасида кенг тарқалганидан далолатдир. Аритмия сўзи юнонча аритмос (“а”–йўқ, “ритмос”–маром) сўзидан олинган бўлиб, барча юрак мароми бўзилишлари учун умумий атама ҳисобланади. Умуман олганда, юрак аритмияси юракнинг кундалик “жисмоний” ишидаги ўзгариш бўлиб, бунда юрак маромининг сон ва сифат жиҳатидан ўзгариши кузатилади. Юрак аритмияси сурункали ёки хуружли булиши, баъзида қайсидир касалликнинг ёки танадаги бузилишларнинг белгиси сифатида кузатилиши мумкин. Мисол учун, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш,

тамаки махсулотларини чекиш, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини қабул қилиш аритмияга сабаб бўлиши мумкин. Аритмияни ташҳислаш учун беморда хуруж пайтида ЭКГ текширувини ўтказиш лозим [10-11].

Замонавий тиббиёт аритмияни даволашда анча илгарилаб кетди. Юртимизда республика ихтисослаштирилган кардиология маркази мутахассислари, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўсимлик моддалари кимёси ва Биорганик кимё институти олимлари билан ҳамкорликда маҳаллий хом ашёдан яратган дори препаратлари бу борадаги ютуқларимизни муҳим амалий қисми бўлиб ҳисобланади. Жумладан, “Аллапинин” ва “Аклезин” дори воситалари аритмияни даволашда самарали қўлланилмоқда.

Аритмия ҳасталигини кенг тарқалганини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши кенг самарали, зарарли таъсири нисбатан кам бўлган калцийнинг никотин кислотаси ҳамда никотинамидли аралаш комплекс бирикмасини синтез қилиш ва унинг аритмияга қарши таъсирини ўрганиш мақсад қилинди.

Тадқиқот мақсади. Никотин кислотаси ҳамда никотинамид асосида калцийли аралаш координацион бирикма синтези ва у асосида дори воситасини яратиш, стандартлаш ва тиббиёт амалиётига жорий қилиш бўйича амалий ишларни олиб бориш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Никотин кислотаси, никотинамид калций тузлари тадқиқот объекти, булар асосида дори воситаси яратиш, уни стандарт ҳолатига келтириш ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш тадқиқот предмети бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Дори воситасини яратиш ва мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариш лозим булди:

Мавзуга доир адабиётларни ўрганиб чиққан ҳолда аритмияга қарши қўлланиладиган дори воситаларининг тахлилини қилиш;

Никотин кислотаси ва никотинамид ҳамда улар асосида калцийли аралаш координацион бирикмани синтез қилиш;

Олинган бирикманинг биологик фаоллигини ўрганиш;

Тахлилнинг замонавий физик–кимёвий усулари ёрдамида стандартлаш усуллари ва сифат меъёрларини ишлаб чиқиш ;

Стандартлаш усулларида олинган натижалар асосида меъёрий хужжат лойиҳасини тайёрлаш.

Мавзу бўйича қисқача адабиётлар таҳлили. Изланишлар натижасида никотин кислотаси ва никотинамид, калций, аритмия ва унга қарши қулланиладиган дори препаратлари, никотин кислотаси асосида синтез қилинган координацион бирикмалар таҳлил қилинди.

Фойдаланилган тадқиқот усуллари ҳақида қисқача маълумот. Илмий ишни бажариш жараёнида замонавий физик-кимёвий таҳлил усулларидан: хроматография (ЮССХ), спектрофотометрия (атом-абсорбцион), ИҚ-спектрометрия, рентгенофазовий, дериватография, титрлаш усуллари ва клиникагача бўлган изланишлар амалга оширилди.


Ишнинг илмий янгилиги. Аритмияга қарши биринчи марта никотин кислотаси ҳамда никотинамид асосида кальцийли аралаш координацион бирикма синтези ва сдандартизацияси.

Диссертация ишининг илмий аҳамияти. Илмий ишда никотин кислотаси ҳамда никотинамид асосида калцийли аралаш координацион бирикманинг синтез қилиш шароитлари ҳамда уни стандартлаш усуллари ишлаб чиқилди.

I БОБ. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

1. Никотин кислотаси ҳамда никотинамиднинг олиниши ва физик-кимёвий хоссалари

Никотин кислота



Лотинча номи: Acidum nicotinicum


Русча номи: кислота никотиновая

Кимёвий номи: 3-Пиридинкарбоновая кислота

Эмпирик формуласи: $C_6H_5NO_2$

Синонимлари: Ниацин, витамин PP, Витамин B3, Apelagrin, Induracin, Liplyt, Niacin, Nicodan, Nicodon, Niconacid, Nicotene, Nicovit, Pellagramin, Pelonin, Peviton, Vitaplex N.


Никотин кислота биринчи бўлиб, 1867-йилда тадқиқотчи Хербер томонидан никотин алколоидини хром кислотаси иштирокида оксидлаб олган [20].




XX асрнинг 20-йилларида америкалик шифокор Голдбергер пеллагра (pellagra preventing) касаллигини даволашда қўллаш мумкин бўлган витамин PP ни таклиф этди. 1938-йилда эса Россияда пеллагра касаллигини даволашда никотин кислотасидан фойдаланишни бошлашган [21].

Хозирда лаборатория шароитида ҳамда саноат миқёсида ҳам никотин кислотаси пиридин хосилаларини оксидлаб олинади.


Масалан; β – пиколин (3-метилпиридин) ни оксидаб никотин кислота олиш мумкин:



Ёки хиолинни пиридин 2,3-дикарбон кислотагача ва уни декарбоксиллаб ҳам олиш мумкин.



Жигарда ниацин алмашинмайдиган аминокислота триптофандан синтез бўлади. 1 мг ниацин синтез қилиш учун 60 мг триптофан талаб этилади.




Ҳар йили кимё саноатида миллион тонна никотин кислотаси 3-метилпиридиндан синтез қилинади [20-22].

Физик хоссалари: Оқ игнасимон кристалл, ҳидсиз, нордон таъмли кукун. Совуқ сувда ёмон (1:70), қайноқ сувда яхши (1:15), спиртда қийин, эфирда эрмайди, ишкорий эритмалрда эрийди. Гигроскопик эмас, қурук ҳолда жуда турғун. Суюқланиш ҳарорати 234-238°C.


Кимёвий хоссалари: Никотин кислота пиридин халқасидаги азот атоми ҳисобига осон алкилланади ва ички тўртламчи туз-бетаин ҳосил бўлади.

Бундай ички тузлар ўсимликлар таркибида, масалан, тригонеллин-бетаин (N-метилникотин кислота) нўхат, кофе уруғида ва бошқа ўсимликларда учрайди.




Тригонеллин (бетаин)

Карбоксил гуруҳи бўйича борадиган реакциялар алифатик карбон кислоталардек боради. Масалан, галогенангидридлар, мураккаб эфирлар, амидлар ҳосил бўлиш ва бошқа реакциялар.




Никотин кислотаси ва никотинамиднинг тузилиш формуласи бири-бирига ўхшаш бўлгани учун ҳам кўпчилик кимёвий хоссалари ўхшаш.


Масалан, уларга натрий карбонат иштирокида қиздирилса, қўланса пиридин хиди сезилади [21-22].



Натрий гидроксид эритмаси қўшиб кайнагунча қиздирилганда эса аммиак ажралиб чиқади [22].



Никотинамид



М.м. 122,13

Лотинча номи: Nicotinamidum

Русча номи: никотинамид


Кимёвий номи: 3-Пиридинкарбоксиямид

Эмпирик формуласи: $C_6H_6N_2O$

Синонимлари: Ниацинамид, никотин кислота амиди.

Никотинамидни Энглер кикотин кислотасинининг метил эфирига аммиак таъсир эттириб олган.

Никотинамид синтез қилишнинг самарали усули никотин кислотасига босим, харорат 220-230°C, катализатор аммоний молибдат иштирокида газ холидаги аммиак билан амидлаш хисобланади. Бунда маҳсулот чиқиш унуми 84% гача етиши мумкин [20-22].



Никотинамид жигар фаол хужайраларининг экстрактидан, йирик, шохли қорамол юрак мускул туқималаридаги кофермент-никотинамидадениндинуклеотид-фосфат, коэнзим II ва никотинамидадениндинуклеотид, коэнзим I дан олинади.

Физик хоссалари. Оқ кристалсимон, хидсиз, нордон-шўр таъмли кукун. Сувда жуда яхши эрийди (1:1), 95% этил спиртида яхши (1:1,5), ацетон, амил спирти, этиленгликол, хлороформ, бутанолда эрийди, эфир ва бензинда оз эрийди. 50°C дан паст хароратда турғун. Суюқланиш харорати 128-131°C [22].

2. Никотин кислотаси асосида олинган координацион бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссалари ва уларнинг тузилиши

Координацион бирикмалар асосида дори воситаларини синтез қилишда ҳамда уларнинг биологик фаоллигини ўрганишда Тошкент Фармацевтика институтида профессор М. А. Азизов бошчилигидаги илмий-текшириш лаборатория ходимлари томонидан олиб борилган ва hozirgi кунда ҳам давом этиб келаётган ишлар диққатга сазовордир [23-31].


Улар томонидан синтез қилинган координацион бирикмалардан ферамид, коамид, купир, пирацин препаратлари hozirgi кунда тиббиёт амалиётида самарали қўлланилиб келиняпти [23-31].

КОАМИД


Лотинча номи: Coamidum

Кимёвий номи: Кобальт–дихлординикотинамид

Эмперик формуласи: $C_{12}H_{12}Cl_2CoN_4O_2$




Олиниши: Коамид кобальт микроэлементининг никотинамид билан хосил қилган координацион бирикмаси бўлиб, никотинамиднинг тўйинган спиртли эритмасига кобальт хлориднинг спиртдаги эритмасини таъсир эттириб олинади:



Физик хоссаси: Коамид оч бинафша рангли, аччиқ таъмли кукун бўлиб, сувда яхши эрийди, спиртда, эфирда, бензол ва ацетонда эрмайди. 300—350°C ҳароратда парчаланиш билан суюқла-ниб, тўк кўк рангга ўтади.

Кимёвий хоссаси: Коамид сақловчи эритмага натрий гидроксид эритмаси қўшиб қиздирилганда, аммиак ажралиб чиқади [26].




Ферамид

Лотинча номи: Ferramidum

Кимёвий номи: Темир-дихлоридионикотинамид


Эмперик формуласи: $C_{12}H_{12}Cl_2FeN_4O_2$



$C_{12}H_{12}Cl_2FeN_4O_2$


М.м. 371,01

Олиниши: Ферамиднинг олининишида никотинамиднинг спиртдаги эритмасига, таркибида аскорбин кислотаси сақлаган темир (II) хлориднинг сувдаги тўйинган эритмаси таъсир эттириб олинади.



Эрувчанлиги: хидсиз, оч сариқ рангли, майда кристалл кукун, сувда эрийди, спирт, эфир ва ацетонда эримади. Унинг сувдаги 1:20 га бўлган эритмаси беқарор бўлиб, лойқаланиб кетади [34].

Кимёвий хоссаси: Препаратга натрий карбонатн тузи қўшиб киздирилганда пиридин хиди келади [33].



Купир

Лотинча номи: Cupirum

Русча номи: Купир

Кимёвий номи: дихлорбис (2-метил, 3-окси, 4,5-диоксиметил) пиридин мис (II)

Эмперик формуласи: $C_{16}H_{22}N_2Cl_2Cu$

М.м. 472,8

Тасвирланиши: яшил рангли, ҳидсиз, майда кристалсимон кукун.

Эрувчанлиги: сув, спирт, ацетон, эфир ва хлороформда амалда эримади. Пиридоксин гидрохлориднинг 0,05% эритмасида 700-800С гача қиздирилганда ва аралаштириб турилган холда жуда оз эрийди.

Сууюқланиш харорати: 1370-1420С (парчаланиш билан) [33-34] .

Кимёвий хоссаси: 0,03 г препарат 1 мл концентрланган нитрат кислотада эритилади ва устига 5 мл сув қуйилади.

1. 1мл олинган эритмага 0,5 мл концентрланган аммиак эритмаси қўшилганда равшан кўк ранг хосил бўлади (мис).
2. 1 мл олинган эритмага 0,5 мл нитрат кислота ва 0,5 мл кумуш нитрат эритмаси қўшилганда, оқ пишлоқсимон чўкма хосил бўлади, чўкма суюлтирилган нитрат кислота эритмасида эримади (хлорид иони).
3. 1 мл эритманинг рН муҳити 4-5 гача натрий гидроксид эритмаси билан нейтраллангандан сўнг, 1 мл темир хлорид эритмаси қўшилганда, эритма қизил рангга бўялади. Хосил бўлган ранг суюлтирилган сульфат кислота эритмаси таъсирида йўқолади (пиридоксин) [35].

Пирацин

Лотинча номи: Piracinum

Русча номи: Пирацин

Кимёвий номи: Трис-(2-метил, 3-окси, 4,5-диоксиметил пиридино) цинк (II) динитрат

Эмперик формуласи: $C_{16}H_{22}N_2Cl_2Cu$ М.м. 472,8

Тасвирланиши: оқ ёки оқ-сарик рангли, ҳидсиз, буриштирувчи таъмли, гигроскопик кукун.


Эрувчанлиги: сувда мўтадил эрийди, спирт, ацетон, эфир ва хлороформда амалда эримади [33-34].

Кимёвий хоссаси: 0,2 г препарат 600-700С хароратда 15 мл сувда эритилади.

2 мл шу эритмага 0,5 мл натрий сульфид эритмаси қўшилганда оқ чўкма ҳосил бўлади. Чўкма суюлтирилган сирка кислота эритмасида эрмайди, суюлтирилган хлорид кислота эритмасида эса енгил эрийди (рух).

3 мл эритмага 2 томчи темир хлорид эритмаси қўшилганда эритма қизил рангга бўялади. Ҳосил бўлган ранг суюлтирилган сульфат кислота эритмаси таъсирида йўқолади (пиридоксин) [36].

Ферамид ва коамид препаратларининг тузилишини қуйидагича ифодалаш мумкин:



Бунда, марказий атом ҳисобланган кобальт ва темир атомлари лигандга координацион боғлар орқали бириккан.

3. Калций элементининг инсон организмидаги роли

Калций инсон организмининг муҳим минерал таркибий қисми ҳисобланади. Катта ёшдаги инсон организмининг тахминан 2% га яқин қисмини ташкил этади [15].

Бу минерал суяк ва тишларнинг соғлом бўлишида ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бу калцийнинг биз билган маълум ҳусусиятлари, лекин у бундан ташқари яна жуда кўп жараёнларда иштирок этади.

Демак, унинг суяк ва тишларнинг ривожланишидаги ўрни асосан чақалоқларда, ёш болалар ва ўсмирларда бўлса, катта ёшдаги инсонлар учун суякларнинг мустаҳкам бўлиши учун, ҳомиладор аёлларда эса яна бир йўналишда яъни хомиланинг соғлом ривожланиши учун зарур. Бироқ, барча инсонларнинг ёшга боғлиқ ҳолда бу минералга нисбатан мунтазам бир кеча-

кундузлик эҳтиёжи мавжуд. Масалан, чакалоқлар учун 400 мг, ўсмирлар ва жинсий ривожланиш босқичидагилар учун 1200 мг гача ташкил қилиши мумкин.

Калций юрак урушини бошқаришда, мускулларнинг тўғри ва равшан ишлаши учун ёрдам беради. Артериал босим тўғридан-тўғри юрак ўриши билан боғлиқ, калций эса артериал қон босимини камайтиради. Бу элемент нервларни озиқлантиради ва импульслар харакатида қатнашади. Инсон танасида “яхши” (HDL) ва “ёмон” (LDL) холестеринлар мавжуд. Кальций эса “ёмон” холестерин миқдорини камайтирадиган элементлар қаторига киради.

Калций етишмовчилиги натижасида эса организмда ўсишнинг секинлашиши (ёш болаларда), ақли пастлик, юрак ритмининг бузилиши, тишларнинг емирилиши, мускулларнинг сиқилиши, оёқ-қўлларнинг санчиши ва увишиши кузатилиши мумкин.

Биз мунтазам равишда турли кўринишда кальцийни йўқотамиз. Масалан, терлаганимизда, сийдик ва ичак йўллари орқали. Калций захирасини эса калций сақловчи озиқ-овқатлар билан тўлдириб туришимиз зарур.

Калцийнинг организмда самарали сўрилишида витамин D3 зарур. Табиий жихатдан витамин D3 қуёш нури таъсирида инсон терисида ишлаб чиқарилади. Агар бир кунда 15 дақиқа қуёш нури остида тўрилса, танадаги витамин D3 га бўлган эҳтиёжи таъминланади.

Қуйидаги омиллар калцийнинг йўқотилишига ёки унинг самарали сўрилишига салбий таъсир кўрсатади:

- Тамаки чекиш;
- Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш;
- Шўр махсулотлар истеъмол қилиш;
- Кўп миқдорда оксалат кислотаси сақлаган сабзавотлар истеъмоли.

Жисмоний машқлар билан мунтазам равишда шуғулланиб туриш калций йўқотилишига тўсқинлик қилади.

Калций асосан сут маҳсулотларида, пишлок, йогуртда. Бундан ташқари тўқ-яшил сабзавотлар исмалоқ, ловия, соя ўсимликлари, балиқ, ёнғоқ ва бошқаларда кўп учрайди [19].

4. Аритмия тушунчаси ва унга қарши ишлатиладиган дори воситалари

Аритмия сўзи юнонча аритмос (“а”–йўқ, “ритмос”–маром) сўзидан олинган бўлиб, барча юрак мароми бузилишлари учун умумий атама ҳисобланади. Аритмия билан тиббиётнинг кардиология соҳаси кенг шуғулланади. Умуман олганда, юрак аритмияси сурункали ёки хуружли бўлиши, баъзида қайсидир касалликнинг белгиси сифатида кузатилиши мумкин. Ҳар бир инсон ҳаёти давомида бир мартаба бўлса-да, юрак фаолияти бузилишини ўзида ҳис қилиб кўради. Айниқса, имтиҳон олдидан, маъсулиятли вазиятларда, кучли асабийлашишда юрак ўзининг “борлигини” билдиради. Юрак 24 соат давомида 100 000 мартадан кўпроқ қисқаради [13].

Ҳар қандай аритмияни ҳам хавфли дейиш ноўрин. Хавф аритмиянинг қанчалик мураккаблигига, танага қанчалик зарар бера олишига боғлиқ. Замонавий тиббиёт аритмияларни даволашда анча илгарилиб кетди. Шундай бўлсада, аритмиянинг баъзи турлари олдида тиббиёт ожизлигича қолмоқда. Аритмияси мавжуд бўлган киши мутлақо ўз-ўзича даволанмаслиги, хусусан, ўзбилармонлик билан аритмияни тўхтатувчи дори воситаларни истеъмол қилмаслиги керак, чунки у бошқа хасталиклар билан бирга кечиши мумкин [16].

1893-йилда Англиялик олим Сантессон хинидинни бақа юрагини қисқариш сонини камайтиришини аниқлаган. 1914- йилда Венкебах малярия ва мерцатиль аритмияси бор касалга хининни катта дозада (1 гр) берганда қисқа муддатга у касалда юрак уриши нормал ҳолга келганини қайд этади. Юқоридаги хабарларни инобатга олиб Фрея 1918-йилда хиннин дарахтидан олинган турли ҳилдаги алкалоидларни мерцатель аритмия касаллигида текшириб кўради ва 22 та касалдан 11 тасида аритмияни бутунлай яхшиланганини кўради. Бундай натижани текширилган алкалоидлар ичида хинидин кўрсатади ва тиббиётга тадбиқ этилади [21].

Аритмия алоҳида касаллик эмас, балки юрак ва қон-томир касалликларининг белгисидир. У кўпинча

- 1) Юрак етишмовчилигида, юрак клапанларининг етишмовчилигида;
- 2) Стенокардияда;
- 3) Миокард инфарктида;
- 4) Кардиомиопатияда;
- 5) Электролитлар ва модда алмашинувининг бузилиши натижасида юзага келиши мумкин.

Аритмиянинг кўрсаткичларидан бири ЭКГ-дир.

ЭКГ га қараб аритмиялар 2 гуруҳга бўлинади:

1. Юрак қисқаришининг сонига қараб юзага келувчи:
 - а) брадиаритмия; б) тахиаритмия.
2. Аритмияни жойлашган ерига келиб чиқувчи:
 - а) супривентрикуляр; б) вентрикуляр аритмиялар [10].

Брадиаритмия турлари:

Супривентрикуляр брадиаритмияларга синусга боғлиқ брадикардия, n.Vagus ни тонусини ошишига боғлиқ брадикардия (Масалан: мия ичи босимини ошишида, юрак гликозидлари билан захарланишда ва каротид тугунчаларида атеросклеротик ўзгаришлар бўлганда) лар киради.

Брадиаритмиянинг вентрикуляр формасига Атреовентрикуляр (АВ) ўтказувчанлигини турли хил кўриниши (қискача бузилишидан, унинг блокигача) инфаркт миокардни яллиғланиши билан боғлиқ аритмиялар киради.

Тахиаритмиялар.

Булар асосан синус узелини тонусини ошишидан, яни кўзгалувчанлигини ошишидан юзага келади. Ёки синус узелидан ташқари жойда юзага келган кўзғалиш марказини пайдо бўлишидан (эктопик кўзғалиш маркази) юзага чиқади ва кўпинча экстросистола кўринишида ҳам бўлади.

Умуман қайси сабаб билан келиб чиқмасин аритмиянинг хаммасида ҳам асосий сабаб юрак электрик систола (Q-T) даврининг камайишидир. Шунинг учун ҳам ҳамма аритмия препаратлари турли хил йўллар билан шу даврни (Q-T) [11] узайтиради ва аритмияни нормал холга олиб келади. Демак барча аритмия чақирувчи сабабларни 2 та гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Юракдан ташкаридаги (экстрокардиал) сабаб аритмия ёрдамида чиқувчи нерв системаси ва гормонал системалар таъсиридаги).

2. Юракнинг ўзидаги (интрокардиал) сабаб ёрдамида келиб чиқувчи аритмия бузилиши ва миокарддаги ўзга ришлар инфаркт, ишемия ва бошқа шу кабилар билан боғлиқ аритмиялар.

Аритмияга қарши қўлланиладиган препаратлар таъсир механизмига кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1–гуруҳ. Мембраналарни ўтказувчанлигини мустаҳкамловчи препаратлар:

а) Потенциал харакатини узайтирувчи препаратлар (хинидин, новокаинамид, аймалин ва дизопирамид);

б) Потенциал харакатини сусайтирувчи препаратлар (лидокаин, тримикаин, дифенин, токаинид);

в) Потенциал харакатини вақтига таъсир этувчи препаратлар (пропафенон, Lorcainid, Flecainid).

2–гуруҳ. β -адренорецепторларни антогонистлари (β -адреноблокаторлар) -пропанолол, анапиримин, обзидан.

3–гуруҳ. Потенциал харакатини танлаб узайтирувчи препаратлар. (амиодарон ва соталол).

4–гуруҳ. Кальций каналини блокаторлари (верапамил, Galloramil, дилтеазем) [17].

Клиник кузатувлар аритмияга қарши қўлланиладиган препаратларни қуйидаги аритмия турларида ишлатилишини тақозо килади:

1. Қоринча ва қоринча усти билан боғлиқ аритмияларда -хинидин, новокаинамид, аймалин, 7 b-адреноблокаторлар (анаприлин) ва симпатолитиклар (орнид);

2. Қоринча билан боғлиқ аритмияларда-лидокаин, тримекаин, этмозин;

3. Юрак гликозидлари билан захарлангандаги аритмияларда-дифенин;

Аритмияга чалинмаслик чоралари:

1. Тамаки чекмаслик;

2. Спиртли ичимликлар ичмаслик;

3. Қаҳвани ёки таркибида кофеин сақловчи маҳсулотларни меъёридан ортиқ истеъмол қилмаслик;

4. Балик маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш лозим;

5. Яшил рангли ҳар қандай сабзавот ёки ошкўкни кўпроқ истеъмол қилиш лозим;

6. Профилактик тарзда витамин Е қабулини эсдан чиқармаслик лозим [13-15].

Биринчи боб бўйича хулосалар.

Диссертациянинг адабиётлар шарҳи боби бўйича никотин кислотаси ҳамда никотинамиднинг олиниши, физик ва кимёвий хоссалари ўрганилди. Никотин кислотаси асосида синтез қилинган координацион бирикмалар, уларнинг олиниш шароитлари, ўзига хос хоссалари ҳақида адабиётлар таҳлил қилинди. Шунингдек кальций элементининг хусусиятлари, инсон организмидаги тутган ўрни ва аҳамиятига эътибор берилди. Аритмия касаллиги ва унинг турлари, даволашда қўлланиладиган дори препаратлари ҳусусида турли адабиётлар ўрганилди ва таҳлил қилинди.

II БОБ. ТАЖРИБА ҚИСМИ

1. Диссертациянинг тажриба қисмини бажаришда фойдаланилган реактивлар, ускуналар, анализ услублари ва усуллари

Мазкур диссертация илмий ишимни бажариш жараёнида $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тузи, $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ тузи, лиганд сифатида эса никотин кислотаси ҳамда никотинамид ва яна ёрдамчи реактивлар сифатида NaOH , 96% ли $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ нинг “ч.д.а.” ва “х.ч.” турларидан фойдаланилди [33].

Олинган координацион бирикма таркибидаги кальций миқдорий таҳлили UNICAM 929 AAS (Англия) фирмасининг алангали атом-абсорбцион спектрометри ёрдамида амалга оширилди [34]. Қўшимча усул сифатида кальцийнинг миқдори комплексонометрик усулда ҳам аниқланди. Азот Келдал усули, углерод ва водород кислород оқимида куйдириш йўли билан аниқланди [33]. Бирикма таркибидаги сув миқдори METTLER TOLEDO (Германия) фирмасининг Карл Фишер ускунасида аниқланди. Координацион бирикма таркибидаги лигандлар никотин кислотаси ҳамда никотинамиднинг миқдори AGILENT TECHNOLOGIES (АҚШ) фирмасининг 1100 русумли юқори самарали суюқлик хроматограф ускунасида олиб борилди [37].

Синтез қилинган бирикманинг ўзига хослигини аниқлаш учун унинг рентгенограммасини ДРОН-2,0 Cu-антикатодли ускунасида фойдаланилди [40-41].

ИҚ-ютилиш спектрлари эса AGILENT TECHNOLOGIES (АҚШ) фирмасининг Cary 630 FTIR ИҚ-фурье спектрометр ускунасида фойдаланилган ҳолда бажарилди [42].

Термик таҳлил Паулик-Паулик-Эрдей тизимидаги дериватографда, $9^\circ\text{C}/\text{дақ.}$ тезликда ва 0,1160 г аниқ тортим ҳамда галванометр сезгирлиги Т-900, ТТ-200, ДТА-1/10, ДТГ-1/10. Таҳлил атмосфера шароитида, газ маҳсулотларини сув пурковчи насос ёрдамида доимий равишда ажратиб турган ҳолда бажарилди. Ушлаб турувчи сифатида диаметри 7 мм бўлган

копқоқсиз платинали тигел, эталон сифатида эса алюминий оксидидан фойдаланилди [45].

2. Никотин кислотасининг калцийли ва магнийли тузининг синтези

Синтез учун $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$, $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ тузлари никотин кислотаси, NaOH ва 96% ли $\text{C}_2\text{H}_5\text{OH}$ дан фойдаланилди. Синтезнинг максимал чиқиш самарадорлиги шароитини яратиш учун турли шароитларда синтез бажарилди. Кальций никотинат тузининг синтези:

1-усул. 0,01 мол никотин кислотаси 100 мл 96% ли этил спиртида эритилди ва 25-30 дақиқа давомида аралаштирилди, кейин эритмага 0,005 мол $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тузи сақловчи 25 мл сувли эритмаси қўшилди. Аралашма $55-60^\circ\text{C}$ да 15 дақиқа давомида аралаштирилиб турилди. Аралашма совутилганда хосил бўлган чўкманинг чиқиш унуми жуда ҳам паст бўлди.

2-усул. 0,01 мол никотин кислотаси 100 мл 96% ли этил спиртида эритилди ва унга 0,01 мол натрий гидроксиднинг 30 мл эритмаси қўшилиб, эритмада ишқорий муҳит хосил қилинди. Эритма 25-30 дақиқа давомида аралаштирилди, кейин эритмага 0,005 мол $\text{CaCl}_2 \cdot 2\text{H}_2\text{O}$ тузи сақловчи 25 мл сувли эритмаси қўшилди. Аралашма $55-60^\circ\text{C}$ да 15 дақиқа давомида аралаштирилиб турилди. Аралашма совутилганда оқ чўкма тушди. Хосил бўлган чўкма 96% ли этил спирти билан филтрланган эритма хлоридларга реакция бермагунча яхшилаб ювилди. Чўкма филтр қоғозда 2 соат давомида куритилди, хосил бўлган чўкма оқ рангдаги, кристалсимон кўринишда бўлди. Модданинг хосил бўлиш унуми 80% дан ортиқни ташкил этди [46-47]. Демак, бажарилган усуллардан 2-усул самарадорлиги жихатидан 1-усулга қараганда устун туради.

Магний никотинат тузининг синтези ҳам юқоридаги каби икки ҳил шароитда олиб борилди.

1-усул. 0,01 мол никотин кислотаси 100 мл 96% ли этил спиртида эритилди ва 25-30 дақиқа давомида аралаштирилди, кейин эритмага 0,005 мол $\text{MgCl}_2 \cdot 6\text{H}_2\text{O}$ тузи сақловчи 25 мл сувли эритмаси қўшилди. Аралашма

55-60°C да 15 дақиқа давомида аралаштирилиб турилди. Аралашма совутилганда чўкма ҳосил бўлмади.

2-усул. 0,01 мол никотин кислотаси 100 мл 96% ли этил спиртида эритилди ва унга 0,01 мол натрий гидроксиднинг 30 мл эритмаси қўшилиб, эритмада ишқорий муҳит ҳосил қилинди. Эритма 25-30 дақиқа давомида аралаштирилди, кейин эритмага 0,005 мол $MgCl_2 \cdot 6H_2O$ тузи сақловчи 25 мл сувли эритмаси қўшилди. Аралашма 55-60°C да 15 дақиқа давомида аралаштирилиб турилди. Аралашма совутилганда жуда кам миқдорда деярли оқ рангдаги ёғсимон лиофилизат кўринишида чўкма тушди. Мангий никотинатнинг олиниш шароитлари етарли даражада самарадор бўлмаганлиги сабабли, мен бу бирикмадан кейинги босқичдаги синтезда фойдаланмадим.

3. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг синтези, дастлабки ва охириги моддаларнинг ИҚ-спектрларини олиш

Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш координацион бирикмасининг синтези 2 ҳил шароитда олиб борилди.

1–шароит. Бунда синтез эритма муҳитида олиб борилди. Бунинг учун лигандлар никотин кислотаси ва никотинамид 0,01 молдан (а.т.) олиниб, 100 мл 96% этил спирти ёрдамида эритилди ва 30 мл 0,01 мол натрий гидроксид сувли эритмаси қўшиб, эритмани ишқорий муҳитга ўтказилди. Эритма 30 дақиқа давомида аралаштирилди. Сўнг, 55⁰-60⁰ С ҳароратда сув ҳаммомида калций хлориднинг 25 мл 0,05 мол сувли эритмаси қўшилиб, 25-30 дақиқа ёрдамида аралаштирилди. Эритма совутилди, чўкма филтр қоғоз ёрдамида фиотрланиб олинди, чўкма спирт ёрдамида 3-4 марта ювилиб, қуритилди. Ҳосил бўлган чўкма оқ рангдаги, ҳидсиз, кристаллсимон кукун кўринишида бўлди. Чўкманинг чиқиш унуми паст бўлди.

2–шароит. Бунда синтез қилиб олинган никотин кислотасининг калцийли тузи асосида унинг никотинамидли аралаш координацион бирикмаси механик-кимёвий усул бўйича олинди. Бу усул бошқа усуллардан

кўра самаралилиги, ҳеч қандай органик эритувчилар талаб қилмаслиги ва қисқа вақт ичида юқори самара билан махсулот олиш имконини берди [46].


Бунинг учун никотин кислотасининг калцийли тузи ва никотинамиднинг 1:2 мол нисбатдаги массасини ховончага солиб, 3 соат давомида яхшилаб аралаштирилди. Ҳар 15 дақиқа давомида ховончадаги сочилган масса бир жойга йиғилиб турилди. Олинган координацион бирикма оқ рангдаги, кристаллсимон кўринишдаги кукун холида бўлди. Биз икки шароитдан иккинчиси иқтисодий жihatдан қулай, самарали ва чиқиш унуми юқори бўлгани сабаб биз иккинчи шароитни танлаб олдик.

Дастлабки ва охириги махсулотларнинг ИҚ-спектрлари Agilent Technologies (AQSH) фирмасининг Cary 630 FTIR ИҚ-фурье спектрометри ускунасидан фойдаланган ҳолда олинди [40-42].


Моддаларнинг ИҚ-спектрлари 1-4 расмларда, ютилиш тебранишлари эса 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвал
ИҚ-спектрлари ютилиш йўллари тебранишлари см⁻¹


№	Бирикманинг номи	Боғлар							
		-NH ₂	C=O	CH	C=N	CO NH ₂	C-O	COOCa O-Ca	-NH координацион бидентант
1	Никотин кислота	-	1700	1415	1593	-	1291	-	-
2	Никотинамид	3356	1613	1390	1613	1674	1200	-	-
3	Кальций никотинат	-	1602	703 757	1557	-	1190	1407	-
4	Кальций никотинатнинг никотинамидли комплекси	3364	1679	757 767	1606	1630	1199	1402	1583 1562 1340 1326




1-расм. Никотин кислота ИҚ-ютилиш спектри



2-расм. Никотинамид ИҚ-ютилиш спектри



3-расм. Калций никотинатнинг ИҚ-ютилиш спектри



4-расм. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик комплекс бирикмаси ИҚ-ютилиш спектри

Хосил бўлган аралаш лигандлик комплекс бирикманинг ИҚ-спектрида қуйидаги ютилиш спектрлари кузатилди: (C=O) боғ 1679 cm^{-1} , ($\text{H}_2\text{NC=O}$) боғ 1630 cm^{-1} , ($-\text{NH}_2$) боғ 3364 cm^{-1} , ички комплекс водород боғи 3154 cm^{-1} , (C=N) боғ 1606 cm^{-1} , 1583 cm^{-1} , 1562 cm^{-1} даги интенсивлиги кучли бўлган ютилиш йўллари комплекс бирикмадаги HN - координацион боғининг валент ва деформацион тебранишларига, 1402 cm^{-1} (O-Ca) боғ, 1340 cm^{-1} , 1326 cm^{-1} ва 1029 cm^{-1} даги ютилиш йўллари эса бидентант координацион HN - боғига тегишли деб айтиш мумкин [40-42].

Иккинчи боб бўйича хулосалар

Диссертациянинг тажриба қисми бобида илмий ишни амалий томонларини бажаришда зарур бўлган реактивлар, ускуналар, таҳлил усуллари ва услублари ҳақида маълумотлар берилди. Синтезнинг иккинчи босқичидаги биз танлаган механик-кимёвий усул иқтисодий жиҳатдан самарали ва махсулотнинг чиқиш унуми ҳам юқори бўлгани билан айниқса алоҳида аҳамиятга эга.

Дастлабки ва охири синтез қилинган моддаларнинг ИҚ-спектрлари олиниб, янги хосил бўлган координацион бирикманинг ўзига хос бўлган

ютилиш йўллари кўрсатиб ўтилди ва синтез жараёнида ҳақиқатдан ҳам янги бирикманинг олинганлиги ҳақидаги хулосага келинди.

III БОБ. Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси

1. Кальций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш

Тасвирланиши: оқ рангдаги, хидсиз, кристалсимон кукун.

Эрувчанлиги: сувда мўтадил эрийди, спирт, хлороформ, эфир ва ацетонда амалда эримади [34].

Чинлигини аниқлаш.

0,2 г бирикма 20 мл сувда эритилади. 1 мл шу эритма устига 1 мл аммоний оксалат эритмаси қўшилади; оқ чўкма ҳосил бўлади. Чўкма суюлтирилган сирка кислота ва аммиак эритмсида эримади, суюлтирилган минерал кислоталарда эрийди (Ca^{+2}).

Хлорид кислота эритмаси билан ҳўлланган бирикмани рангсиз оловга сепилганда, уни қизил-ғишт рангга бўйайди (Ca^{+2}).

Пробиркага 0,1 гр координацион бирикма ва 0,1 гр натрий карбонат қўшиб қиздирилганда ёқимсиз пиридин ҳиди келади (никотин кислота ва никотинамид).

0,1 гр бирикмага 2 мл 1 М ли натрий гидроксид эритмаси қўшиб қиздирилганда аммиак ажралиб чиқади, уни ёқимсиз ҳидидан ёки қизил лакмус қоғозини кўк рангга бўйаши орқали аниқлаш мумкин (никотинамид).

Лигандлар никотин кислотаси ва никотинамиднинг хроматограммаларида текширилувчи ва стандарт модда эритмаларида ушланиш вақтлари бўйича бир-бирига мос келди.

Суюқланиш харорати: 255-260°C [33];

Тиниқлиги: 0,2 г бирикма 10 мл тозаланган сувда эритлганда тиниқ бўлади [34].

Ранглилиги: 0,2 г бирикма 10 мл тозаланган сувда эритлганда рангсиз бўлади [33-34].

2. Калций никотинатнинг никотинамидли аралаш лигандлик координацион бирикмасининг элемент таҳлили ва бирикма таркибидаги сув ва оғир металлларни аниқлаш

Аралаш координацион бирикма таркибидаги калцийнинг миқдори комплексонометрик усулда аниқланди [34, 59-60].

Бунинг учун 0,62 гр (а.т.) модда намунаси дан тортиб олиниб, устига 50 мл тозаланган сув ҳамда 10 мл рН 9,5-10,0 аммиакнинг буфер эритмаси қўшилди. Модда эриб кетгунча яхшилаб аралаштирилди. Эритмага 0,1 гр индикаторлар аралашмаси ёки 7 томчи хром тўқ-кўки индикатори эритмасидан қўшилди ва 0,05 М трилон Б эритмаси ёрдамида эритманинг ранги кўк-бинафша рангга ўтгунга қадар титрланади.

1 мл 0,05 М трилон Б эритмаси 0,002004 г калцийга тўғри келади.

Бир вақтнинг ўзида назорат тажрибаси ҳам ўтказилади.

Бирикма таркибидаги калцийнинг % даги миқдори қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб топилади.

$$X = \frac{(V_1 - V_0) \times K \times T \times 100}{a};$$

бу ерда;

X–формула натижасида ҳисоблаб топилган калцийнинг миқдори, %;

V_1 –текширилувчи эритмани титрлаш учун сарфланган титрант миқдори, мл;

V_0 –назорат эритмасини титрлаш учун сарфланган титрантнинг миқдори, мл;

K–0,05 М трилон Б эритмасининг тузатиш коэффиценти;

T–1 мл 0,05 М трилон Б эритмасининг титри, 0,002004;

a–титрлаш учун олинган намунанинг массаси, г.

Бирикма таркибидаги калцийнинг миқдори тажриба натижасида 7,315% ни ташкил этди.


2-жадвал

Миқдорий таҳлил натижасининг метрологик тавсифи

x	\bar{X}	S^2	S	$P \%$	$t(P, f)$	S_x	ΔX	$\overline{\Delta X}$	$E_1 \%$	$\bar{\varepsilon} \%$
7,42										
7,35										
7,12	7,315	0,0193	0,1391	95	2,78	0,0622	0,3869	0,173	5,291	2,366
7,22										
7,45										

Азот Келдал усули бўйича аниқланди [34, 59-60].


Тахминан 0,15 г (а.т.) моддани юқори хароратга чидамли махсус колбага солиб, мис (II) сульфат ва калий сульфат тузлари иштирокида концентранган сульфат кислота ёрдамида суюқлик тиниқ оч-кўк ранга ўтгунга қадар қайнатилади. Бунда модда сульфат кислота таъсирида бир вақтнинг ўзида ҳам парчаланиб ҳам оксидланиб кетади. Бунинг натижасида модда таркибидан аммиак ҳолида ажралиб чиққан азот сульфат уислота билан бирикиб, аммоний сульфат тузига ўтади.



Оксидланиш жараёни тугагач, колбадаги суюқлик натрий гидроксиднинг 30% ли эритмаси билан ишланади ва реакция натижасида ажралиб чиққан аммиак сув бўғлари ёрдамида совутгич орқали бор кислота эритмаси солинган йиғувчи колбага ҳаёдаб олинади. Бунда аммиак бор кислотаси билан реакцияга киришиб, аммоний метаборат тузига ўтади:



